O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 7 июнь, № 110 (4263) Пайшанба

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Оқсаройда Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳни қабул қилди.***

— Биз сизни нафақат Кувайт Бош вазирининг ўринбосари, балки етук давлат арбоби, мамлакат иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган иқтисодчи олим сифатида ҳам яхши биламиз, — деди давлатимиз раҳбари. — Кувайт нафақат ўз минтақасида, балки дунё миқёсида ҳам катта салоҳиятга эга, жадал ривожланаётган давлатдир.

Кувайт Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилар қаторида, 1991 йилнинг декабрида тан олган. Ўзбекистон-Кувайт муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва мазмунини бойитишда Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайтга расмий ташрифи муҳим омил бўлди. Ташриф асносида икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Хусусан, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво қатнови бўйича, шунингдек, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида, шунингдек, икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Мазкур жамғарма билан 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари ажратиш тўғрисида кредит шартномаси имзоланган. 2005 йилда Тўқимачи-Ангрен темир йўл қисмини электрлаштириш лойиҳасини молиялаштиришга қаратилган 20 миллион долларлик, 2006 йилда эса юздан зиёд туман тез тиббий ёрдам марказини қайта тиклаш ва жиҳозлаш лойиҳаси учун 20,75 миллион долларлик ҳужжатлар қабул қилинди. Умуман, жамғарма ажратган кредитларнинг умумий ҳажми 60 миллион АҚШ долларидан ошади.

Ўтган йили Кувайтда икки мамлакат савдо-саноат палаталари вакилларининг музокаралари бўлиб ўтди. Унда савдо ва сармоя, хусусийлаштириш, иқтисодиётнинг ўзаро манфаатли соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларда парламентлараро алоқалар алоҳида ўрин тутади. 2002 ва 2005 йиллари Кувайт парламент делегациялари Ўзбекистонда бўлди.

2006 йилнинг май ойида ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти ўтказилди. Бу воқеа ҳам халқларимизнинг маънавий яқинлигидан яна бир далолатдир.

Гуманитар ҳамкорлик соҳасида Кувайт Вақф ва ислом ишлари вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини таъкидлаш жоиз. Кувайт Давлати Имом ал-Бухорий мажмуини жиҳозлаш ишларида ҳам фаол қатнашган.

Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ Кувайт Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт Давлати ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қамровини янада кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

---

***Юртимизга ташриф буюрган Жаҳон таэквондо федерацияси /WTF/ президенти Чо Джонг Вон раҳбарлигидаги Корея Республикаси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон таэквондо уюшмаси фахрий раиси Эркин Халилов билан учрашди.***

## WTF ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Учрашувда Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани, аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қаратилган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Шу мақсадда ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган турли дастур ва лойиҳалар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзининг мустаҳкам қарор топишига ва етук спорчилар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда.

Юртимизда Шарқ якка курашининг барча турлари сингари таэквондо ҳам ривожланмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда йигирма мингдан зиёд спортчи таэквондо билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўзбекистонлик таэквондочиларнинг халқаро майдонларда юқори натижаларни қўлга киритаётгани ҳам спортнинг бу турига юксак эътиборнинг амалдаги натижаларидандир. Жумладан, 2006 йили Қатарда ўтган XV ёзги Осиё ўйинларида ҳамюртимиз Евгения Каримова мазкур спорт тури бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон таэквондо уюшмаси спортчилар тайёрлаш, мураббий ва спортчилар малакасини ошириш борасида Жаҳон таэквондо федерацияси билан изчил алоқаларни йўлга қўйган.

Учрашувда бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жаҳон таэквондо федерацияси делегацияси Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов билан ҳам музокаралар ўтказди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

---

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***Мамлакатимизда Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф доирасида 6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон ва Кувайт ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида икки томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.***

Ушбу ҳужжат икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиб боришни назарда тутади. Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамда Кувайт Давлати Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ имзоладилар.

Шу куни Кувайт делегацияси аъзолари пойтахтимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи каби ноёб иморатларни кўздан кечирди. Меҳмонлар бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо бердилар.

Кувайт делегацияси аъзолари муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёзмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур муқаддас китобни ҳам кўздан кечирдилар.

— Ўзбекистон ўзининг қадимий ва бой тарихи, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк сиймолари билан бутун дунёга машҳур, — деди Кувайт делегацияси раҳбари Шайх Муҳаммад Сабоҳ ас-Солим ас-Сабоҳ. — Кувайт Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини барча соҳаларда ривожлантиришга интилмоқда. Ўзбекистонда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани мамлакатингизда бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш ва ривожлантириш борасида қилинаётган самарали ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**

---

*Анжело Персиани:*

# «ИТАЛИЯ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ДЕМОКРАТИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ»

***Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида мазкур мамлакат миллий байрами – Республика эълон қилинган кунга бағишлаб тантанали маросим ўтказди. Италия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персианининг чиқиши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотдики, унда элчи Италия ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан муносабатлари ривожланишининг айрим жиҳатларига тўхталди.***

Жумладан, италиялик дипломатнинг қайд этишича, Италия Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт, демократия жараёнларини ривожлантириш, хавфсизликни таъминлаш, гиёҳванд моддалар савдосига қарши биргаликда кураш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. «Биз ўлим жазосига нисбатан амалда бўлган де-факто мораторийсини ҳамда келгуси йилнинг бошидан ўлим жазосининг тўла бекор этилишини қутлаймиз, деди у. Биз келгуси йилда «Habeas Corpus» институти (ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура идораларидан судларга ўтказиш) жорий этилишини табриклаймиз».

Шу ўринда Италия элчиси Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги ҳолатига юқори баҳо берди ҳамда уларнинг янада ривож топишига тилак билдирди.

«Ўзбекистон ва Италия иқтисодиёти рақобат қилмайди, аксинча бир-бирини тўлдиради. Биз ҳамиша турли даражалардаги – маданий жабҳадан тортиб то сайёҳлик соҳасигача бўлган алоқаларни кенгайтиришни хоҳлаганмиз. Биз бир неча маротаба муносабатларимиз ўсиши салоҳиятига мурожаат этдик — бу салоҳиятга йўл беришнинг вақти етиб келди.

Икки томонлама даражадаги табиий қизиқишдан ташқари Италия ҳақиқатан ҳам Марказий Осиё билан алоқалар мустаҳкамланаётган ҳозирги босқичда Европа Иттифоқини ҳамда жорий йил июнь ойига мўлжалланган минтақанинг беш давлати билан ҳамкорлик борасидаги Европанинг янги концепцияси ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга ЕИ бу минтақага, илгари сира бўлмаганидек, Ўзбекистонга, минтақанинг марказий давлатига умумий келажакни қуриш учун асосий соҳалардаги ўсиб бораётган ҳамкорликка афзаллик таклиф этмоқда. Италия бунга тўла қўшиладики, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Джанни Вернеттининг яқинда Тошкентга амалга оширган ташрифи бундан далолатдир», дея қайд этди А.Персиани.

Сўнгра у ўз фикрида давом этди: «Биз ҳамкорлик мушкул эканини биламиз, чунки турли маданиятларни тушуниш қийин ва ўзгаларнинг қадриятларини нотўғри талқин қилиш осон. Ҳар биримиз учун ҳозир ўз

(Давоми 2-бетда).

---

## • Воқеалар • Янгиликлар




*Халқимизнинг бой ва бетакрор мусиқа санъати тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ватанимиз азалдан илму-маърифат, маданият ва санъатнинг қадимий бешикларидан бири бўлиб келгани, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ сингари буюк ватандошларимиз мусиқа тарихи ва назариясига оид асарлар битгани яхши маълум. Ўзбек халқининг дилрабо мақомлари, куй, қўшиқ ва лапарлари асрлар оша дилларга фараҳ бахш этиб келаётир.*

# ЯНА ЧОРЛАР «ШАРҚ ТАРОНАСИ»



Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, хусусан, ўзбек мусиқа санъатини ривожлантириш, санъатимизнинг азалий шуҳратини янада юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бери ҳар икки йилда бир маротаба Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги маданий алоқаларини мустаҳкамлашда, шунингдек, она юртимиз, барҳаёт санъатимиз довруғини оламаро янада кенгроқ ёйишда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Бу йил мазкур нуфузли мусиқа фестивали мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги тантаналари билан бир пайтда нишонланади, — дейди "Шарқ тароналари" VI Халқаро мусиқа фестивалининг ижрочи директори С.Аҳроров. — Шу боис мамлакатимизда ушбу қутлуғ саналар ва нуфузли санъат байрамига ҳозирлик ишлари қизғин давом этаётир.

Ўтган йиллар мобайнида дунёнинг етмишга яқин давлатидан 1200 дан зиёд хонанда ва

(Давоми 4-бетда).

---

# Тоғ тўшидан тушган йўл



*Кеча Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятлари жамоатчилиги вакиллари «Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз» халқаро автомобиль йўлининг 1013 километрида тўпланишди. Бу ерда М-39 йўлининг 1005-1013 километрларининг очилиш маросими бўлди.*

Халқаро аҳамиятга молик мазкур йўлни «Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти йўлсозлари бунёд этишди. Улар 14 ой мобайнида 3 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажардилар.

Халқаро йўлнинг улкан тоғни кесиб ўтган 8 километрлик қисмининг очилиши Тошкент-Самарқанд ўртасидаги масофани уч километрга қисқартирди. Маросимда Жиззах вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муса Анарбаев илғор қурувчиларга фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширди.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

*2007 йилнинг ўтган ойлари давомида Асакадаги «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида*

**36462 та автомобиль ишлаб чиқарилди**



**Ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётнинг янги соҳаси — автомобилсозликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, корхонада мунтазам равишда янги технологиялар ва линиялар ишга туширилаётгани, ўзимизда автоуловлар учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар тайёрлаш ҳажми ортаётганлиги ўтган даврда «Нексия», «Дамас», «Матиз» ва «Ласетти» русумли машиналарни белгиланганидан кўпроқ ишлаб чиқариш имконини берди.**

## Биз бир ёндан...

***Россиянинг «Билайн» савдо маркази таркибидаги «Юнител» масъулияти чекланган жамияти Термиз шаҳрида ўз қароргоҳини очди.***

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда жамиятнинг тижорат ишлари бўйича директори Евгений Скрипник маданий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириб бориш истиқболлари ҳақида гапирди ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига «Дамас» русумли тез ёрдам машинаси совға қилди.

— Машинани узоқ тоғ қишлоқлари аҳолисига хизмат кўрсатиши учун Сариосиё тумани шифокорлари ихтиёрига ўтказдик, — дейди бошқарма бошлиғи Комил Абдивоҳидов.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

Сўнгги соатда

## Светлана Олимпиадага боради

Ёзги Олимпиада ўйинларида энг кўп медаллар енгил атлетикачиларга берилади. Қувончлиси, спортнинг мазкур тури бўйича ҳамюртларимиз эришаётган натижалар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Куни кеча Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида якунланган анъанавий халқаро турнир ҳам ўзбекистонлик спортчиларга зафар келтирди. Унда юртдошларимиз 13 та олтин медаль билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Энг муҳими, вакилимиз Светлана Радзевил баландликка сакраш баҳсларида 1 метру 91 сантиметр натижага эришиб, енгил атлетикачиларимиздан биринчи бўлиб келгуси йили Пекинда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди.

**З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Импортга ҳожат йўқ

Юртимизда тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолияти, ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди.



■ *Тўрткўл туманидаги "Давронбек Мавлонов" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. Зеро, ички бозорда талаб кучли бўлган 15 миллиметрдан 100 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурлар сифати жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди.*

**СУРАТДА: хусусий корхона оператори Нурали Султонов иш устида.**

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.**

### Баракасини берсин

***Тошкент вилояти пиллачилари давлат қабул пунктларига бир минг 290 тоннадан ортиқ сифатли хомашё топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар. Бу ўтган йилгига қараганда 25,2 тонна кўп демакдир.***

■ Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятда пиллачи-звеноларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Қурт уруғи тарқатиш олдидан фермер ва ёрдамчи хўжаликлар билан шартнома тузилди, уларга ўз вақтида зарур жиҳозлар, асбоб-ускуналар етказилди.

Вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмасидан олинган маълумотга кўра, жорий йилда вилоятда 20 минг 401 оилавий звено 27 минг 173 қути ипак қурти уруғини парваришлади. Қуйи Чирчиқ туманидаги "Аббосхон-Зебобону", "Чақмоқ", "Гўзал-Бўстон-агро", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қуттибоев Нормуҳаммад", "Йўлчибоева Зилола", Оққўрғон туманидаги "Фазлиддин Омонов", "Сафарова Жамила", Бўка туманидаги "Мурувват", "Манзура Ҳуррият", Бекобод туманидаги "Суюн Бегимқул" фермер хўжалиги пиллакорлари ҳар қути қурт уруғидан 75-85 килограммдан ошириб ҳосил олдилар.

Вилоятда пилла терими давом этмоқда.

### Фавворалар — шаҳар кўрки

***Навоий шаҳри обод ва кўркам қиёфа касб этиб бормоқда. Шу йил кўкламда 500 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт, 600 минг тупга яқин гул кўчатлари ўтқазилди.***



■ Шу билан бирга шаҳарнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳозирга қадар шаҳар ҳавоси мўътадиллигини сақлаш учун кўплаб фавворалар қурилмоқда.

— Айни пайтда замонавий кўринишдаги фавворалар сонини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратяпмиз, — дейди шаҳар бош меъмори Омон Менглиев. — Бундай хайрли ишларга шаҳримиздаги саховатли тадбиркорлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига қадар яна 20 та фаввораниишга тушириш мўлжалланмоқда.

### Самарқанддаги ғалаба

***Футболчиларимиз "Пекин — 2008" Олимпиадаси гуруҳ босқичини муваффақиятли якунлаб, кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритишди.***

■ Кеча Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси Самарқанд шаҳрида Яман футболчиларини қабул қилди. Учрашувда йигитларимизни дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Шунга қарамай, улар ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Азиз Ибрагимов, Азизбек Ҳайдаров ва Музаффар Умрзоқовлар киритган тўплар ҳамюртларимизнинг йирик (3:0) ҳисобдаги ғалабасини таъминлади. Шундай қилиб, "F" гуруҳидан Ўзбекистон ва Жанубий Корея Олимпия терма жамоалари кейинги босқичга йўл олишди.

Ҳал қилувчи навбатдаги гуруҳ босқичи ўйинларига қуръа ташлаш маросими 13 июнь куни Осиё футбол конфедерацияси қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида бўлиб ўтади.

### Ёзги таътил завқи

***Ёзнинг жазирама кунларини болажонларимиз ўзгача бир завқ билан ўтказишади. Сув ҳавзаларида чўмилишади, оромгоҳларда дам олишади.***



■ Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳри корхоналари ва ташкилотлари тасарруфидаги 25 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари болажонлар хизматига шай қилиб қўйилди. Бу оромгоҳларда жами 45 мингдан зиёд ўғил-қизлар ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган.

Куни кеча Қорақалпоғистон Республикасидан келган 200 нафар болажонлар пойтахтимиздаги "Гулбаҳор" оромгоҳига жойлаштирилди. Бу масканда уларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Маданий ҳордиқ клуби, футбол майдони, шахмат-шашка ва яна ўнлаб тўгараклар улар хизматида.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

***Шу йилнинг март ойи бошларида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Қўрғонтепа» маҳалласи ҳудудида «Ижтимоий ҳимоя мажмуаси» қурилаётганлиги тўсатдан овоза бўлиб кетди. Туман фуқароси сифатида бориб кўргим, иложи бўлса, иштирок ҳам этгим келди. Бордим, бир эмас, бир неча бор бордим. Очиғини айтай, баъзан журналист ҳам, ёзувчи ҳам кўрган нарсасини таърифлашга сўз тополмай қолади. Мен ҳам бир фурсат довдирагандай бўлдим, шекилли, ушбу ҳолатимни қурилиш майдонининг улканлиги, бажарилаётган ишларнинг бекиёслигидан бўлса керак деб, ўзимни юпатдим ҳам. Салкам 2 гектарли майдонда қурилиш, бунёдкорлик авжида. Лойиҳачилар, ер текисловчилар, кабелчилар, цемент қорувчилар, ғишт терувчилар ишдан бош кўтаришмайди. Майдоннинг тўрт томонида тўрт улкан бино тикланяпти. Ишчилар шошган, ошиққан, биров тезроқ бўлсанг-чи, дейди, биров ҳой, кўзингга қарасанг-чи, яна биттаси пўшт, ёғ бўласан, деб ҳазилнамо гап айтади. Микрофонларда ўзбекча ва бошқа тилларда қувноқ, кайфиятни кўтарувчи қўшиқлар янграйди.***

# БИР АЖИБ ҲИС БОР ЭДИ МЕНДА...

Ишбошчилар кўп. Уларнинг қайси лавозимда эканлигини билиш ҳам қийин. Ниҳоят, туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Дониёр Азизов, туман оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ҳайдарали Қораболаев, шу маҳалла раиси Қаҳрамон Нишоновларни "ушлагандай бўлдим". Бекорга бу иборани ишлатаётганим йўқ. Чунки уларнинг ортидан борувчилар, иш сўровчи ёки маслаҳат олувчилар беҳад кўп. Ниҳоят, уларни суҳбатга тортишга ҳам муваффақ бўламан. Мана шу майдонда салкам минг турли касб эгалари жавлон ураётган экан. Аҳолига бепул хизмат қиладиган, Ўрта Осиёда ягона, қиймати бир ярим миллион доллардан юқори турадиган "компьютерли томограф"нинг кўркам биноси, бир сменада 700-800 хотин-қиз ишлаши мумкин бўлган улкан фабрика, ёзги ва қишки спорт-соғломлаштириш комплекси, мактаб, боғча, маҳалла идораси — ҳамма ҳаммаси тенгдан қурилаяпти, тенгдан кўтарилаяпти.

— Суммасини ҳам айтайми! — деди Қаҳрамон ака.

Айтинг, — дейман шошилиб.

— Ҳукуматимиз саккиз миллиард сўм ажратди.

— Бир маҳаллага-я?

— Мажмуа бутун Учтепа тумани меҳнаткашларига хизмат қилади. Сезиб турибман, қурилишнинг миқёсини кўриб бироз ҳайратланяпсиз. Маҳаллами, туманми, шаҳарми, ҳаммасига бир хилда меҳрибонлик кўрсатиляпти. Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий ҳимоя деган сўзларида олам-олам меҳр, муҳаббат бор, илоҳий қувват бор. Кўриб турибсиз, ўқитувчи ҳеч бўлмаса, тўртта ғишт узатай деб, новвой иссиққина нон ёпиб берай деб келаяпти. Ҳў анави уйда яшайдиган отахон, Юртбошимиз бизга атаб шунақанги кўркам бинолар қуришга ёрдамлашаётган экан, биз нега қараб турар эканмиз деб, кунига қозон-қозон палов дамлаб чиқаяпти.

Қаҳрамон ака кўпни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини хўп тотган, ҳаётий тажрибаси бой, оддий ишчи, раҳбар бўлган, ҳаммасидан ҳам ўзига яраша хулосалар чиқарганлиги шундоққина сезилиб турибди. Сўзларини мақоллар, ҳикматлар билан безаб айтади. Қиёслашни, таққослашни яхши кўраркан. Асли янгийўллик. Бир жамоа хўжалигида ўртамиёна дала шийпони қурилганда қайта-қайта газетага ёзиб чиқишган экан.

— Бу ерда эса буюк қурилиш кетаяпти, лекин сизлардан дарак йўқ, — кулиб қўяди Қаҳрамон ака.

— Мамлакатда бунақа қурилишлар кўп. Ҳаммасига улгурмаймиз-да, — оқлагандек бўламан ўзимни.

— Ёзсаларинг, мамлакатимиздаги буюк кайфият, ҳар бир фармонлардан кейин мана шу бугунгидек бошланиб кетадиган катта ҳаракатлар ҳақида, эл-юртдаги ғайрат, шижоатлар ҳақида ёзсаларинг яхши бўларди... Зериктириб қўймаяпманми?

Илгари Янгийўлдаги бир жамоа хўжалигида одамларни далага мажбурлаб чиқаришар эди. Президентимизнинг деҳқонга ер бериш ҳақидаги фармони чиқиши билан у ерда шунақанги кўтарилиш бўлдики, таърифига сўз топилмайди. Ариқларни тозалашга киришишган, дала йўлига машина-машина шағал тўкишган, қиёқ босган ерларни шудгорлашган. Аҳилликларини айтмайсизми, кечагина бир-бирига хўмрайишиб юрган одамлар энди сизу биз бўлиб қолишди. Эй, ёзувчи ака, ёзсаларинг ана шундай меҳр ҳақида ёзинглар.

Ҳамсуҳбатларимиздан бири Ҳайдарали ака бетоқат бўлаётганини сезиб тураман. Гоҳ ўтиради, туради. Гоҳ қурилишни айланиб, энтикиб, ҳаяжон билан қайтади. Сезиб турибман, бир маҳалла эмас, бутун тумандаги ижтимоий-ҳимояга оид улкан ишларни айтмоқчи.

Дониёр Азизов Ҳайдарали ака фикрини қўллаб-қувватлади:

— Тўғри, ишимизнинг миқёсини бир маҳалладаги ишлар билан чегаралаб қўймайлик, маҳаллаларни иложи борича кўпроқ айланинглар, ёзувчи акамиз ўз кўзлари билан кўрсинлар, кишилар ҳам, маҳалламизга ёзувчи келди, деб хурсанд бўлади. Қойил

Тўсатдан баланд овоз билан:

*Киши дардига ким ҳам*
*дард эмасдир,*
*Кишилар наздида*
*ул мард эмасдир, —*

дея шеър ўқиди-да, кейин мен раҳбар бўлган маҳаллаларда ижтимоий-ҳимоя қандай йўлга қўйилганлигини бирма-бир кўрсатмоқчиман, дея, сўз навбатини ўзига "тортиб олган" бўлди.

Қурилишнинг нариги томонларини айланиб келган қилиб қўйдик, деб мақтаниб юрганимиз билан ҳали чала ишларимиз кўп.

"Шопайиз боғи", "Учтепа", "Бегобод", "Қорёғди", "Боғи чинор" маҳаллаларида асосий ҳаракат ёшлар тарбиясига, қадриятларни улуғлашга, муҳтожларга ёрдам уюштиришга йўналтирилганлигининг шоҳиди бўлдик. "Қуйидарҳон" маҳалласи саховатпешалари иштирокида қурилаётган "Ижтимоий ҳимоя мажмуаси" олдида тўхтаймиз. Қўли гул, чаққон усталар билан суҳбатлашамиз. Ҳайдарали ака яна:

*Эҳсондан тортмагин*
*асло бошингни,*
*Доимо бир тутгил*
*ичу тошингни, —*

дея шеър ўқигач, сўзини давом эттирди:

— Ижтимоий ҳимоя ҳаракатини аслида давлатимиз раҳбари бошлаб берди. Минг бор раҳмат, у кишига. Собиқ шўролар замонида меҳр, мурувват, оқибат дарахтлари илдизи сув ичмай, қурий бошлаган эди... Бу фожиани ҳаммадан олдин сезган Юртбошимизнинг "Ҳой, барака топкурлар, тўхтаб, бир орқа-олдиларингга қараб олинглар", деб бизни огоҳлантириб қўйгани ҳам бежиз эмас эди.

Ўшанда суҳбатимиз сўнгида қурилаётган мажмуа битганда яна кўришишга, имкониятимиз даражасида яхши нарсалар ёзишга келишиб олгандик. Орадан 53 кун ўтгач, маҳалла раислари бу ҳақда хабар қилишди. Бордим, таърифларга сиғмайдиган бир гўзаллик гувоҳи бўлдим. Мен кўрган лой, чанг маҳалла энди чарақлаб кетибди. Оқланмаган уй, ранг олмаган эшик-деразалар қолмабди. Йўлакларга асфальт ётқизилган. Лов-лов ёниб турган гуллар, мен сендан чиройлиман, дегиси келади. Улкан фабрика, компьютер-томограф бинолари, қишки, ёзги спорт мажмуалари қаддиларини яна ҳам баландроқ ростлаётгандек. Бутун бир майдонда жаннатий ором, кишини улуғловчи, руҳини чароғон қилувчи бир ҳолат ҳукмрон.

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**



## Ҳорманг, Шаҳрихон қизлари!

*Одинахон Отахонова нафақат Шаҳрихонда, балки Андижон вилоятида ҳам тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ва ўз навбатида саховатпешалиги билан машҳур. Ишни кичик тикувчилик цехидан бошлаган тадбиркор, бугун юзга яқин қиз-жувонларга бош. Бу ерда тикилаётган кийим-кечаклар юртимиздан ошиб хориж бозорларини ҳам забт этишга улгурди.*

*Бундан бир неча йил муқаддам Одинахон тумандаги фаолияти тугатилган "Сардор" ширкат хўжалигига қарашли сутчилик фермасини 150 бош қорамоли билан сотиб олган эди. Истаган имкон, истамаган баҳона топади, деганлари рост экан. Тадбиркор чорвачиликни ривожлантириш учун имкон қидирди. Ҳозирда бу ерда 520 бош қорамол боқилаяпти. Шулардан 155 боши соғин сигирлардир. Ҳамидахон Тешабоева, Моҳира Камолова сингари сут соғувчилар ҳар бош соғин сигирдан кунига 12-14 литрдан серқаймоқ сут соғиб олишга эришмоқдалар.*

*— Иш шароити яхши бўлса чарчоқни ҳам унутиб юборасан, — дейишади икки ҳамкасб (суратда) Ҳамидахон ва Моҳирахон табассум билан.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Анжело Персиани:*

## «ИТАЛИЯ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, ДЕМОКРАТИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

эътиқодимизнинг кучи ва ҳаққонийлигига тўла ишонишимиз нақадар осон. Ҳа, бошқа халқларнинг тарихи, маданияти ва анъаналари тўғрисида юзаки фикр юритиш енгилдир. Бизнинг вазифамиз, ишимиз ва миссиямиз эса аксинча – бошқа маданиятлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзимизда тўла тушунишни ривожлантиришдир, токи маданиятлар фарқларининг хилма-хиллигини муносиб баҳолайлик».

«Бу дўст мамлакатда (Ўзбекистонда) 4 йил бўлганимдан сўнг ҳар қачонгидан ҳам ишончим комилдирки, бу ердан, яъни нафақат юк карвонлари, балки ихтиролар, ғоялар, қадриятлар, динлар ва цивилизациялар кесишган Буюк Ипак йўли марказидан яхши жой дунёда йўқдир». Дипломатнинг фикрича, бу ерда тарих кўплаб миллатларни учраштирганки, улар бир-бири билан иноқликда яшашмоқда. «Айнан шу ерда биз том маънода бир-биримизни тушунмоғимиз, бошқа қадриятларга нисбатан бағрикенг бўлмоғимиз, бошқа маданиятга ҳурмат билан қарамоғимиз, бирга саъй-ҳаракат қилмоғимиз ва сиёсий эркинлик, демократик ривожланиш, иқтисодий ўсиш борасидаги биргаликдаги тараққиётга эришиш учун ўзаро ҳамкорлик қилмоғимиз лозимдир.

Бундай мақсадлар, хусусан, Европа мамлакатлари узоқ давом этган тажриба ва хатолар жараёнларидан сўнг эришган сиёсий эркинлик ҳамда демократия тараққиёти Ўзбекистон Конституциясида ҳам муҳрлаб қўйилган. Бу тамойиллар бизнинг келажакка йўналган умумий йўлимизни белгилаб беради».

Элчи А.Персиани ўз чиқиши интиҳосида «Ўзбекистонга ёркин келажак, Италия ва Европа билан биргаликда тараққий этишни ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон саҳнасидаги обрў-эътибори доимо ўсиб боришини ҳамда ўз цивилизацияси тарихида келажак сари янги қадамлар ташлашини» тилади.

**«Жаҳон» АА.**

### Анжуман

Урганч шаҳрида ёшлар ўртасида СПИД, гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

## Ёшлар ОИТСга қарши

Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда ҳаракатнинг туман, шаҳар кенгашлари, шунингдек, соҳага тегишли ташкилотларнинг масъул вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари маҳаллаларда ва ўқув муассасаларида ёшлар ўртасида СПИДга, гиёҳвандликка, жиноятчиликка қарши курашишга доир маърузалар тингладилар. Тадбирда «Инсон умид билан тирик», деб номланган, гиёҳвандликнинг жамиятга катта зарари ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЛ МУЛКИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

***Бухоролик Илҳом Шарипов шериклари Неъмат Ҳотамов ҳамда Азим Ибодовларга ўзининг «КамАЗ» русумли автомашинасини топширар экан, ундаги юкни Конимех туманидаги Боймурод қишлоғи яқинида жойлашган чайлага етказишни қайта-қайта уқтирди. Юкни у ерда кутиб турган қозоғистонлик Нурлан исмли шахс қабул қилиб олиши керак экан.***

Автомашинага 12 тонна 650 килограмм рангли металл ортилганди. Ҳайдовчи ва унинг ёрдамчиси йўлдан «адашиб», Фориш тумани ҳудудида кетишаётганида божхона ходимлари томонидан тўхтатилди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз рангли металларни сотиш учун олиб кетаётган жиноятчилар ашёвий далил билан қўлга тушишгач, гувоҳлар олдида ўз айбларига иқрор бўлишдан бошқа чора топишолмади. Ҳисоб-китобларга кўра, ноқонуний олиб кетилаётган металлнинг қиймати 9 миллион 11 минг сўмдан зиёд экан.



### Жиноятга жазо муқаррар

Жиноят ишлари бўйича Фориш туман судининг ҳукмига биноан учала жиноятчи қилмишларига яраша жазоланди. Рангли металлар, И. Шариповнинг «КамАЗ» русумли автомашинаси давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Навоий вилоятида яшовчи Ихтиёр Аҳмедов ҳам рангли металл парчалари йиғиш ва ўзга юртга сотиш билан шуғуллангани учун бир умр пушаймонда юрадиган бўлди. У ўзининг қилмишига 4 нафар ҳамюртини ҳам шерик қилди. Улар 9 тонна 160 килограмм металлни сотиш учун Қозоғистоннинг Чордара туманига олиб кетишаётганда қўлга тушишди.5 нафар жиноятчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддасига кўра жазо муддатини ўтайдиган бўлдилар. 4,5 миллион сўмликдан зиёд металл парчалари давлат ихтиёрига ўтказилди.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди судьяси Ў. Холмуродовнинг таъкидлашича, республикамиз бойликларини ноқонуний тарзда четга сотишга интилаётганларнинг 26 нафари суд олдида жавоб берди. Янгиобод, Фориш, Мирзачўл туманлари судларининг қарорларига биноан ашёвий далил тариқасида олинган 44 миллион 81 минг сўмликдан зиёд мулк давлат фойдасига мусодара қилинди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

*Қашқадарё вилояти ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларининг амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Республика Бош прокуратураси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика ҳамда вилоят кенгаши аъзолари, тадбиркорлар ва уларга сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Кейинги йилларда давлат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувига барҳам бериш, мулкдорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси таъминланяпти. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг қонунда белгиланган тартибда эркин иш олиб бориб, манфаатдорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қонунчилик талаблари айрим жойларда тўлиқ ижро этилмаяпти.

Семинарда шулар хусусида атрофлича сўз борди. Воҳа тадбиркорлари ва фермерлари банк хизмати, кредит олишдаги кафолат ва гаров таъминоти, хорижий валютани конвертация қилиш, ноқонуний текширишлар, шартнома муносабатларидаги айрим тушунмовчиликлар бўйича берган саволларига тегишли мутахассис ва мутасаддилардан тўлиқ жавоб олдилар.

Семинарда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Циклон хавфи



Уммон султонлигининг қирғоқбўйи ҳудудида яшовчи аҳолиси шошилинч равишда кўчирилмоқда.

Манбада айтилишича, ушбу ҳудудга кучли циклон яқинлашиб келаяпти. Маҳаллий ҳукумат аҳолига мурожаат қилиб, ўз уйларидан чиқмасликка чақирди. Мактаблар ва давлат муассасалари хавфсиз жойларга кўчирилмоқда. Ҳинд океанида ҳаракатланаётган циклон бугун Уммонга етиб келиши кутилаяпти.

### Саммит иш бошлади

Кеча Германияда «катта саккизлик» давлатларининг саммити иш бошлади. Унда ривожланган мамлакатлар етакчилари иқлим ўзгариши, Яқин Шарқ ва Косово масалаларини муҳокама қилмоқдалар. Бироқ кузатувчиларнинг фикрича, кейинги пайтда Россия ва АҚШ ўртасида Шарқий Европа мамлакатлари ҳудудига ракета ҳужумига қарши муҳофаза тизимини ўрнатиш масаласи туфайли юзага келган кескин вазият саммит руҳини белгилаб бериши мумкин.

### Конгрессмен пора олган...ми?

Луизианалик конгрессмен Уилльям Жафферсон 500 минг доллар пора олганликда айбланмоқда. Манбада келтирилишича, конгрессмен ноқонуний пул кўчириш баробарида, амалдорларга босим ўтказган ҳамда судлар мустақиллигига таъсир кўрсатган. Унинг уйи тинтув қилинганда, совутгичга яширилган 90 минг доллар топилди. Агар конгрессмен бу айбларига иқрор бўлса, 235 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилиши мумкин.

### Компания судга берилди



Нигерия ҳукумати «Pfizer» фармацевтика компаниясини судга берди. Компания янги дориларни синаш асносида мамлакатдаги кўплаб болаларнинг ўлимига сабаб бўлган. Манбада келтирилишича, даъвогар «Pfizer»дан 7 миллиард доллар талаб қилмоқда. Ҳукумат вакилининг билдиришича, давлат органларидан тегишли рухсатномаларни олмасдан болаларга лицензиясиз дорилар берилган.

Компаниянинг Нью-Йоркдаги вакили ушбу даъво асоссизлигини, синовлар маҳаллий ва халқаро талабларга мувофиқ ўтказилганлигини таъкидлади.

### Зиддиятлар оқибати

Америка ва Ироқ кучлари айни пайтда Бағдоднинг учдан бир қисмини назорат қилиб туришибди. Пентагон томонидан Ироқда хавфсизлик чораларини кучайтириш режаси амалга оширилгандан сўнг шундай ҳолат юзага келди. Манбада келтирилишича, мамлакат пойтахтида этник зиддиятлар туфайли зўравонликлар авж олиб бормоқда.

Таъкидлаш керакки, май ойида Ироқда юз берган тўқнашувлар натижасида 127 нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлди.

### Поезд тўқнашиб кетди

Австралияда йўловчи поезднинг юк машинаси билан тўқнашиб кетиши оқибатида 6 киши қурбон бўлди. Тўқнашув Виктория штатидаги Керанг шаҳридан ўн километр узоқликда рўй берди. Полиция берган маълумотларга кўра, 40 нафар одам жароҳатланган, шундан 12 нафарининг аҳволи оғир.



**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

**БОШ ҲИСОБЧИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:**

- *молия ва иқтисодиёт соҳаси бўйича олий маълумотга эгалиги ҳақидаги диплом;*
- *"1-с программа"да ишлаш тажрибасига эгалиги;*
- *бухгалтерия ҳисоби, молия ёки солиқ назорати соҳасида охирги беш йиллик иш стажи.*

**Номзодлар ўзларини қизиқтирган қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент ш., С. Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев к.,1-«А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Телефонлар: 228-80-20, 228-80-24.**
**Факс: 228-79-52.**

MIKROKREDITBANK

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, МАИШИЙ ХИЗМАТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА



***«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки — республикамиздаги энг кенжа молиявий муассасалардан бири. Президентимизнинг 2006 йилдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида иш бошлаган ушбу банк ҳозирга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 33,8 миллиард сўм микросармоя ажратди. Ушбу сармоялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга қишлоқ ва туманларда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга ҳам йўналтирилмоқда.***

Бу борада, айниқса, банкнинг Андижон вилоятидаги филиаллари эътиборга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Балиқчи туманидаги филиали мутахассислари турли ҳунармандлар ва косиблар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларга шу йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида 10 миллион сўмга яқин микрокредитлар берди.

Абдурашид Турғунов сартарошлик ҳунарини отаси — уста Нуриддин бободан ўрганган. Бобонинг устахонасидан ҳозир ҳам мижозлар аримайди. Абдурашид ака «Микрокредитбанк»дан бир миллион сўм микрокредит олиб, хусусий сартарошлик дўконини янгилади, уни замонавий кресло ва бошқа анжомлар билан жиҳозлади. Мижозлари кўпайганидан кейин эса, шогирд бўлиб юрган ўғлини ҳам ишга қабул қилди.

— Банкнинг моддий мадади ишимизни жонлантириб юборди, — дейди А.Турғунов. — Қаранг, шинамгина устахонамиз бугун атрофдаги бошқа бинолар қаторида қишлоғимиз ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди. Даромадимиз ҳам чакки бўлмаяпти. Шу камтарона касбим шарофати туфайли яқинда ўғлимни уйлантирдим. Айни кунларда қизимнинг тўйига ҳозирлик кўрмоқдамиз. Қишлоқлардаги бизга ўхшаган ҳунармандларга бу қадар қулайликлар яратаётганларга беадад миннатдорчилик билдирамиз.

Шу туман марказида фаолият кўрсатаётган яна бир косиб — Тожимурод ака Ботировга эса оёқ кийимларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун банк томонидан энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида микросармоя берилган эди. У устахонасини қўлинг ўргилсин қилиб тиклади, чарм тикиш машинаси, чарх ва бошқа хомашёлар сотиб олди. Эндиликда тадбиркор иш сифатига алоҳида эътибор қаратиб, одамларнинг ҳожатини чиқармоқда.

Чет давлатлар бозорларидан кириб келаётган, «Мендан кетгунча — эгасига етгунча» қабилида тайёрланган кийим-кечакларни кўрган Моҳидил опа бўлса «Бундан яхши кийимлар тикмасам, чеварлигим бекор» деган бир орзуни кўнглига тугиб қўйган эди. Вақт-соати келгач, банкнинг Жалолқудуқ филиалидан бир миллион сўм кредит олди-ю, ишни бошлаб юборди. Корхонасига «Орзулар илинжида» деган чиройли ном қўйиб, учта тикув машинаси харид қилди, бир неча қизни ишга таклиф этди. «Жалолқудуқ — Андижон» йўли бўйида қад ростлаган нақшинкор хоналардан иборат бу бинода ҳозир ҳаёт қайнамоқда.

Моҳидил опа хизмат кўрсатиш билангина чекланиб қолмай, эндиликда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Аёллар ва болалар учун 15 хил кийим-кечак тикиш ўзлаштирилди. Бу ерда ҳар ойда 1,5-2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона ҳисоб рақами орқали эса шу муддатда 2,5 – 3 миллион сўм маблағ айланмоқда. Буюртмаларни 9 нафар чевар тикаяпти. Тайёрланаётган либослар эса чет элдан келтирилганидан асло қолишмайди!

— Тикув цехимизга яна бешта машина зарур бўлаяпти, — дейди М.Расулжонова. — Шу мақсадда «Микрокредитбанк»дан қўшимча сармоя олмоқчимиз.

— Буюртмалар қаердан тушаяпти? — сўраймиз опадан.

— Тиккан кийимларимиз қўшни Қирғизистон Республикасининг «Қорасув» бозорида яхши баҳоланаяпти, ҳатто Қозоғистондан ҳам буюртмалар олаяпмиз...

Опанинг сўзларидан банкка бўлган ишончни англаб олиш қийин эмас. Чунки у билдики, сармоя олган ҳунарманд унинг фоизини ўз вақтида тўласа, кредитни ҳам муддатидан олдин қайтарса, ишлаб чиқариш доимий тарзда кенгаяди, корхона моддий жиҳатдан янада мустаҳкамланади. Муҳими, яна кредит олиш таъминланади.

Сезаётган бўлсангиз, «Микрокредитбанк»нинг Андижон филиалида тадбиркор хотин-қизларга эътибор катта. Бир йил мобайнида мазкур банкда 316 тадбиркор аёл ҳисоб рақамлари очгани, уларга 445 миллион сўм микрокредит ажратилгани шундан далолат беради.

Банкнинг Андижон филиали бошқарувчиси Дилшод Сатторов шундай дейди:

— «Микрокредитбанк» Моҳидил опа сингари бошловчи тадбиркорларга аввалига эҳтиёжига қараб, бошланғич сармоя учун камроқ, ишлар юриша бошлаганидан сўнг эса каттароқ ҳажмда микросармоялар ажратмоқда. Бу микросармояларнинг йиллик фоизи атиги 5 фоиздан иборат. Янги иш бошлаган тадбиркорлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50, 100, 200 баравари миқдорида микросармоялар бериш белгиланган. Агар улар ишлаб чиқаришни йўлга қўйсалар, банкимиз энди энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида ҳам микрокредитлар ажратади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун мўлжалланган ана шу микрокредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фоиз ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда берилади. Шунингдек, ишни саноат асосида ташкил этишга зарурат туғилганда, корхона эгаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда микролизинг хизматлари ҳам кўрсатилади.



Банкнинг шундай имкониятларидан Андижон вилоятида кенг кўламда фойдаланилмоқда. Айниқса, «Микрокредитбанк» сармоялари ва унинг фоизларини ўз вақтида ва муддатидан илгари қайтариб, ривожланиш йўлига кирган корхоналар учун алоҳида шароитлар яратилгани, жумладан, бундай мижозларга микрокредитлар ҳар қандай таъминот ҳужжатларисиз, гаровсиз, ишонч юзасидан берилиши ҳаммага маъқул бўлаётир. Бир мисол. Андижон шаҳридаги «Оқёр» масъулияти чекланган жамияти банкдан 6 миллион сўм сармоя олиб, 4 хил макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Корхона тез орада ўзини тиклаб, нон ва нон маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқара бошлади. Ҳозир бу ерда ҳар ойда 20 тоннадан ортиқ шундай маҳсулотлар тайёрланмоқда. Жамиятнинг хизматларидан шифохоналар, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари жамоалари ва кўплаб маҳаллалар аҳолиси баҳраманд бўлмоқда.

— Биз ишни йўлга қўйиб, ҳозирги қувватга эришгунга қадар банкдан тўрт марта микрокредит олдик, — дейди корхонанинг иш бошқарувчиси Казимжон Абдуллаев. — Чунки бир марта олган кредитни ҳатто 10 кунда қайтаришга муваффақ бўлдик. Шу туфайли бугун биз «Микрокредитбанк» билан ҳеч қандай расмиятчиликларсиз, ишонч асосида ҳамкорлик қилмоқдамиз.

«Яхшилик сари» кичик корхонасида эса ҳозирда чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Аввало, ташландиқ ҳолатдаги бинолар таъмирланди, қўшимча хоналар қурилди, чинни пиширадиган иккита цех қурилиб, ишга туширилди. Бу ишларнинг асосий қисми корхона ташкилотчиси Давронбек Жалиловнинг шахсий жамғармаси ҳисобидан барпо этилди. Цехни ишга тушириш, каолин ва бошқа хомашёлар олиш учун эса «Микрокредитбанк»дан 5 миллион сўм кредит олинди. Айни пайтда бу корхонанинг 25 нафар ишчиси кунига ўртача 2000 дона пиёла, 800 та чойнак ишлаб чиқармоқда. Ҳозирнинг ўзида Андижон туманидаги шифохоналар, мактаблар, гимназиялар ва кўплаб ошхоналардан ана шу буюмларга буюртмалар тушган. Корхонанинг ҳисоб рақамида ойига 10 миллион сўмгача пул айланмоқда. Соф фойда 1,5-2 миллион сўмни ташкил этаяпти.

Жамоанинг келгусидаги режалари ҳам катта. Хусусан, тарелкаю лаганлардан тортиб тувакларга қадар 25 хил чинни буюм ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, уларнинг сифати янада яхшиланади. Шу ниятда Хитой билан қўшма корхона тузиш юзасидан саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Чиндан ҳам, «Микрокредитбанк» Андижон вилояти бўлинмаларида ўтган бир йил ичида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш учун микрокредитлар бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Аввало, вилоят ҳудудлари микросармоялаш хизмати билан тўлиқ қамраб олинди. Банкнинг 8 филиали ва 16 мини банки орқали кичик тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар ва микролизинг хизматлари ҳажми 2,2 миллиард сўмни ташкил этди. Ҳозирги кунда вилоятда унинг 8 мингга яқин мижози бор.

«Микрокредитбанк»нинг мижозлар ишончига сазовор бўлаётганининг асосий сабабларидан яна бири — унинг янгича тизим сифатида фаолият кўрсатаётганлиги. Яъни мазкур банк мутахассислари ўз қабул хоналарида мижозларнинг келишини кутиб ўтирмайдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармасининг вилоятдаги бўлинмалари ходимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, барча маҳаллалардаги тадбиркорлар даврасига ташриф буюрмоқдалар. Ҳатто чет қишлоқлардаги ҳар бир хонадонга кириб бориб, бу ерда истиқомат қилаётган, фойдали меҳнатга яроқли кишиларда тадбиркорликнинг қайси тури билан шуғулланиш имкониятлари ва истаклари борлигини ўрганиб чиқмоқдалар. Шу асосда муайян қишлоқ ва туманларни микромолиялаш бўйича дастур тузиб, уни белгиланган муддатларда бажариб келмоқдалар. Пировардида вилоятдаги минглаб якка тадбиркорлар ўзлари учун доимий даромад манбаларини яратдилар, кўплаб корхоналар, цехлар эса халқ учун ҳаётий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқара бошладилар.

Шу билан бирга, «Микрокредитбанк» ишхоналардаги ўз ходимлари билан мижозларни психологик жиҳатдан ажратиб турадиган пештахталарни ҳам олиб ташламоқда. Масалан, илгари банкнинг Андижон туманидаги «Куйганёр» филиалида ойна деворлар ва пештахталар мавжуд эди. Эндиликда уларнинг баҳридан кечилиб, мутахассиснинг компьютери турган стол ёнига мижозлар учун курси қўйилди. Бу ерда у банк операцияларини бемалол кузатиши ва фикрларини билдириши мумкин. Тўсиқлардан бўшаган жойларни эса диванлар эгаллади. Столларда мижозлар учун иссиқ чой тайёр, телевизор томоша қилиш учун имкониятлар ҳам яратилган. Ҳозирги кунда банкнинг Андижон туманидаги бошқа филиаллари ҳам шу тартибда ишламоқда. Шу боис мижозлар микромолиялаш муассасасини ўзларининг ишончли мададкорлари, деб билмоқдалар.

«Микрокредитбанк» фақат микросармоялар ажратиш билангина кифояланиб қолмай, балки қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисига барча турдаги банк хизматларини ҳам кўрсатмоқда. Чунончи, унинг Андижон вилоятидаги филиалларида электрон ҳамён — пластик карточкалар сони 9 838 донага етди. Савдо шохобчаларига эса 32 та терминал ўрнатилган бўлиб, шу йилнинг биринчи чораги мобайнида улар орқали 80 миллион сўмга яқин савдо айланмаси амалга оширилди.

Аҳолининг пул маблағларини кўпайтириш ва унинг банкдан ташқарида айланиш ҳажмини қисқартириш мақсадида эса «Тадбиркор», «Орзу», «Она юрт», «Ҳомий», «Нуроний», «Мучал тўйи» сингари 14 турдаги жозибали омонат жорий этилган. Йилнинг биринчи чораги мобайнида уларга жалб этилган маблағлар 2,2 миллард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 миллиард сўм зиёддир.

«Микрокредитбанк» жамоаси бундан кейин ҳам республикамизнинг барча ҳудудларида яратилган микросармоялаш тизими ёрдамида тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар бир оила учун ишончли ва доимий даромад манбаларини яратиш, бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда маиший хизматни янада кенг қулоч ёйдириш йўлида бутун куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сарфлайверади.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Рашид РАУПОВ.**

SARBAST

**BALTIC BEVERAGES HOLDING AB ТАРКИБИГА КИРУВЧИ SARBAST PLUS ПИВО КОМПАНИЯСИ**

**ўз маҳсулотларини сотишни амалга ошириш учун Сурхондарё ва Наманган вилоятларидаги йирик дистрибьюторлик компанияларини**

**ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Салоҳиятли дистрибьюторлар учун асосий талаблар қуйидагилардан иборат:**

* халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда пиво, ичимликлар ёки бошқа истеъмол маҳсулотларини дистрибьюторлик фаолиятида муваффақиятли тажриба;
* автотранспорт, инфратузилма, маҳсулот захиралари ва ташкил этишдаги йирик инвестицияларни амалга ошириш имконияти;
* малакали ходимлар жамоасининг мавжудлиги.

**Батафсил маълумотларни (+998 71) 150-44-26, (+998 97) 709-11-21, (+998 97) 709-11-22 телефонлари ёки savdo@sarbast.uz электрон почтаси орқали олиш мумкин.**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти хўжалик судининг **2006 йил 4 декабрдаги 11-0605/9219-сонли** ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган, **«UZMEDKOTTON» Ўзбекистон-Люксембург қўшма корхонасининг** тугатиш (суд) бошқарувчиси томонидан кредиторларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Увак» ҚФЙ (собиқ «Ангрен» ширкат хўжалиги) ҳудудида жойлашган ушбу қўшма корхонанинг мулкий мажмуаси 10 фоизга арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 5 009 067 900 сўм.*

Аукцион савдоларига 2007 йилнинг 10, 17, 24 июль кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион садоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефонлар: 228-79-52, 228-84-48.**

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004.

***— Охайо гозаимас, сенсей!***

***Тошкент давлат юридик институтида таҳсил олаётган ҳамсуҳбатимизнинг ёшгина бир қизга нотаниш тилдаги бу хитоби, бош эгиб таъзим айлаши бизга қизиқ туюлди. Суриштириб билсак, бу унинг япон тили курсидан таълим берувчи устози билан саломлашгани экан. Ҳамсуҳбатимизнинг айтишича, Машҳурахон Тўхтамирзаева исмли "сенсей" (япончадан таржима қилинганида устоз маъносини англатади) ўтган йилнинг октябрь ойидан буён мазкур ўқув даргоҳида фаолият юритаркан. Институтнинг япон тили курсларига қатновчи талабалар унга бениҳоя ҳавас қилишар, "сенсей" эришган марраларга етмоқ истагида кўпчилик япон тилини қунт билан ўрганаётган экан.***

***Эндигина йигирма икки ёшни қаршилаган Машҳурахон Тўхтамирзаеванинг кунчиқар мамлакатда ўқиб, япон тили мутахассислиги дипломини қўлга киритгани, ҳозирда эса Япония таълим вазирлиги ва Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилган махсус курснинг етакчи ўқитувчиси сифатида тан олинганига дарров ишониш қийин.***






# ЮРТИМ, ИФТИХОРИМСАН!

— Японияда ўқиш истаги бундан тўрт йил аввал пайдо бўлганди, — дейди у. — Ўшанда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси эдим. Ўқув даргоҳимиз қошида очилган япон тили курсларига қатнашардим. Кейинроқ Япония бизнес ассоциациясининг "Ёшлар ва тинчлик" мавзусидаги иншолар танловида ғолиб бўлиб, шу мамлакатда ўтган икки ойлик саммитда қатнашдим. 2005 йилда эса Япония таълим вазирлигининг лойиҳасида қатнашиб, грант соҳиби бўлдим ва бир йил давомида Токио чет тиллар университетида ўқиб, япон тили мутахассислиги бўйича диплом олдим.

**— Хорижда ўқиб, кўплаб чет эллик дўстлар орттирган бўлишингиз табиий. Айтингчи, уларнинг Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳақида тасаввури қандай?**

— Юртимиз ҳақида гапириб берганимда, энг аввало, миллий байроғимиз рамзлари улар эътиборини тортди. Мовий осмон, юлдузлар, ярим ой тасвири, хуллас, байроғимизда қандай рамзий ифода бўлса, барининг маъносини тушунтирганимдан сўнг ҳайратлари ошди: "Ўзига хос ва чуқур маъно касб этган шундай тимсолларни миллатингиз байроғида акс эттира олганингизнинг ўзидан билиш мумкинки, юртингизда тафаккури ва дунёқараши бой инсонлар яшайди", дейишди улар. Кейин эса миллий бош кийимимиз — дўппининг нақшларига боқиб, унда ҳам қандайдир маъно борми йўқлиги билан қизиқишди.

Палов, сомса, қозон кабоб каби таомларимизни ўз қўлим билан пиширганимда эса нафақат, япон дўстларим, балки университетда таҳсил олаётган бошқа миллат вакиллари ҳам мени моҳир пазанда деб аташди. Айниқса, паловнинг тайёрланиш услуби уларда ўзгача таассурот қолдирди. Қозонга ёғ солаётганимда, улар бунча кўп ёғни гуруч ўзига сингдирармикан, деб ҳайрон бўлишди. Палов пишгач эса ёғнинг қаерга кетгани, оддийгина гуручдан қандай қилиб шундай хушхўр таом тайёрлаш мумкинлигидан лол қолишди ва уни иштаҳа билан тановвул қилишди.

Бундан ташқари, юртимизда меҳмон бўлиб қайтган айрим дўстларим миллий меъморчилигимиз, наққошлик санъатимиз ҳақида тўлқинланиб гапиришарди. Мовий гумбазларимиз рангини бошқа ранглар билан солиштириб, биздаги табиийлик сири билан қизиқишарди. Шунингдек, улар биз, ўзбек ёшларининг, Японияда ўқиётган талабаларнинг бир-бирига бўлган меҳроқибати, муомаласи, худди ака-ука — жигаргўшадек яқинлигига тан беришарди.

## Энг гуллаган ёшлик чоғимда...

**— Ёш бўлишингизга қарамай, сизни кўпчилик устоз деб чақиради. Ҳаттоки, улар орасида ўзингиз тенги талабалар ҳам бор. Айтингчи, шогирдларингиз билан ишлашда кўпроқ қай жиҳатларга эътибор қаратасиз?**

— Ўзимга баҳо беришим бироз қийин. Дарс ўтиш услубимга келсак, талабаларни кунчиқар мамлакат маданиятига қизиқтириш баробарида секин-асталик билан уларда шу давлат тилига бўлган муҳаббатни кучайтираман. Талабалар қунт билан ўқишга киришгач, кўргазмали қуроллар, турли тестлар, хотирани чархловчи интеллектуал ўйинлар ёрдамида босқичма-босқич машғулотлар жараёнини олиб бораман. Ҳар бир саволга эринмай жавоб бераман, ҳар бир дарс олдидан ўз устимда ишлаб, алоҳида тайёргарлик кўраман. Қаттиққўл эмасман. Боиси, тил ўрганувчида қатъий хоҳиш ва ирода бўлишини истайман. Бунга эришиш учун эса талаба, энг аввало, ўзи ўрганаётган фанга меҳр қўйиши керак. Талабаларнинг ёшига келсак, бунинг мен учун аҳамияти йўқ. Дарс жараёнида ортиқча ҳаяжонга берилмайман. Муҳими, ўрганганларимни кимгадир етказсам дейман.

**— Япон ёшларига хос қандай фазилатларни илғадингиз?**

— Биласизми, уларнинг бир жиҳатига қойил қолиш керак. Қайси бир тенгқурим билан гаплашмайин, албатта, бориб келгани — уч-тўрт давлат номини санайди. Улар пул сарфлаб ўқишганидан, хорижга бориб таҳсил олишганидан афсусланишмайди. Табиатан вазмин, юмшоқ феъл-атворли бўлиб, ҳар бир ҳаракатларида ўта маданиятли эканликлари намоён бўлади. Шунга қарамай, бу ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, иш ва ўқишдаги муносабатлар борасида талабчан ва қаттиққўл. Бироқ япон ёшларининг бир жиҳати мени ўйлантиради. Улар яратилган барча имкониятларни ҳеч бир ҳайратсиз, оддий ҳолдек қабул қилишмоқда. Демоқчиманки, гўё ҳаммаси осмондан тушгандек. Ваҳоланки, бу кунларга етгунча ота-боболари қанча меҳнат қилган, изланган. Буни англамаслик эса мавжуд имкониятларнинг қадрига етмасликка олиб келиши мумкин.

**— Замон билан ҳамнафас ёшлардан бири сифатида юртимиз келажаги ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Японлар иккинчи жаҳон урушидан кейин қанчалик харобалар ичида қолганини тарихдан ҳаммамиз биламиз. Вайроналар ўрнида фақатгина ақл кучи билан кўркам, ривожланган юрт бунёд этилди. Ёшларга ҳамма нарсадан кўра билимнинг устун эканлигини уқтиришди, бор-будларини сарфлаб бўлса-да, илм-фан ривожига эътибор қаратишди. Солиштирсак, бизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида ёшлар тарбияси, уларнинг билим олиши борасидаги масалалар хусусида, энг аввало, Президентимиз қайғурдилар, таълимга йўналтирилган қатор муҳим қонун ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бугун уларнинг ижроси таъминланмоқда. Ўйлаб кўрсам, агар шу ғамхўрликлар бўлмаганида мен учун Японияда таҳсил олиб қайтишга йўл бўлсин эди! Бугун фақатгина мен эмас, барча ёшларда ўз келажагига қатъий ишонч бор. Чунки барча имкониятлар, саъй-ҳаракатлар биз — ёшлар учун. Бундан тўғри фойдалансак, ёшликда чуқур илм эгаллашга интилсак, эртанги ҳаётимиз бугунгидан ҳам фаровон бўлиши, шубҳасиз.

***"Халқ сўзи" мухбирлари Юлдуз РИЗАЕВА, Муборак ОХУНОВА суҳбатлашдилар.***


**Фермерлар диққатига!**

**ТАШКИЛОТ**

**«AGRIKO» (Голландия) компаниясида етиштирилган биринчи репродукцияли элита ва суперэлита сортли қуйидаги: эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизере ва бошқа**

**КАРТОШКА**

**УРУҒЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ**

**накд ва пул ўтказиш йўли билан**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ.**



**Картошка уруғлик материали қуйидаги манзилда жойлашган омбордан сотилади: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» ҚФЙ, Лойиҳачи кўчаси, 7-уй. Мўлжал — «Назарбек» божхона пости. Маълумот учун телефонлар: 162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22.**

816R/1013


Спорт

Фарғона вилоятининг Водил қишлоғида шу юрт фарзандлари Ҳамид ва Темур полвонлар хотирасига бағишлаб, курашимизнинг ҳар икки йўналиши бўйича анъанавий IV халқаро турнир бўлиб ўтди.

# ВОДИЛДА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур турнирда мамлакатимиз вилоятлари ҳамда қўшни Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидан келган 300 нафарга яқин полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Тўрт кун давом этган беллашувлар якунига кўра, курашда Улуғбек Қурбонов, Темур Худойқулов (Фарғона), Ҳикмат Қуртов, Улуғбек Ёдгоров (Тошкент), Бектош Сатторов (Самарқанд), Рустам Аҳмедов (Андижон), Соҳиб Ниғматов (Наманган)лар ўз вазн тоифасида чемпионликни қўлга киритдилар. Белбоғли кураш бўйича эса Азиз Эргашев, Қодир Умрзоқов, Улуғбек Маматов (Фарғона), Рустам Умаров (Наманган), Маҳамат Искандаров (Андижон), Нуриддин Маҳаматов (Тошкент) ва Анвар Абдимўминов (Қирғизистон)лар халқаро турнир ғолиблигини қўлга киритдилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# ЯНА ЧОРЛАР «ШАРҚ ТАРОНАСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Шу кунларда Самарқандда қадимий шаҳарнинг 2750 йиллик қутлуғ тўйи ҳамда "Шарқ тароналари" VI Халқаро мусиқа фестивалига қизғин тараддуд давом этаётир. Жумладан, анжуман қатнашчиларини кутиб олиш, фестиваль тадбирларини юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилмоқда.*



созанда қадим Самарқандга ташриф буюриб, ўз санъатини намойиш этди. Фестиваль иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани "Шарқ тароналари"нинг нуфузи, обрў-эътибори тобора юксалаётганидан далолат беради.

1997 йилги фестивалда дунёнинг 33 давлатидан вакиллар иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда элликдан ошиб кетди. Айни пайтда "Шарқ тароналари" VI Халқаро мусиқа фестивали дирекциясига дунёнинг турли мамлакатларидан яккахон хонандалар ва бадиий жамоалар тегишли ҳужжатлар, куй-қўшиқлар ёзилган аудио-видео кассеталарни жўнатмоқдалар.

Ҳозирга қадар 51 мамлакат вакиллари мазкур фестивалда иштирок этиш истагини билдирди. Хусусан, Канада, Литва, Кения, Судан сингари мамлакатлар санъаткорлари мазкур фестивалда илк бор қатнашадилар.

— Бу борада вилоятимизда салмоқли ишлар амалга ошириляпти, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Умаров. — Фестивалнинг асосий тантаналари ўтадиган Регистон майдони, шаҳардаги бошқа боғ ва хиёбонлар ободонлаштирилмоқда. Бу масканларда қуриладиган саҳналарни ўзига хос тарзда безаш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, фестиваль қатнашчилари вилоятнинг айрим туман ва шаҳарларида ҳам ўз дастурларини намойиш этишлари кўзда тутилган.

Фестиваль доирасида илмий-амалий конференция, Регистон майдонида миллий чолғу асбоблари ва халқ ҳунармандчилиги намуналари кўргазмалари ўтказилади.

Ушбу халқаро мусиқа фестивали халқимиз маданияти ривожида, хусусан, ўзбек санъатининг довруғини дунёга таратишда, ёш истеъдодларни кашф этиш ва рағбатлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Мусиқа анжуманида ҳамюртларимизнинг муваффақиятли иштирок этиб, дунё санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторова, Дилнура Қодиржонова, Нодира Пирматова сингари хонандаларимиз мазкур анъанавий танловларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, юқори ўринларни қўлга киритган.

Бу йилги фестивалда ҳам мамлакатимиз вакиллари муносиб иштирок этишга ҳозирлик кўришаётир. Хусусан, самарқандликлар бу йилги қўшалоқ тантанада ўзларининг ранг-баранг байрам дастурлари билан қатнашиш ниятида.

— Илгари ҳам ушбу нуфузли санъат анжуманида иштирок этиб, халқимизнинг бетакрор оғзаки ижоди намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этган эдик, — дейди «Бешқарсак» фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари Б.Носиров. — Бу йилги фестивалга миллий урф-одат ва анъаналаримиз асосидаги саҳна кўринишлари, халқ қўшиқларидан иборат янги дастур ҳозирлаяпмиз.

Ўзининг 2750 ёшини нишонлаётган қадимий Самарқанд шаҳрида яна Шарқ наволари янграйди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ, Рустам ЖАББОРОВ, ЎзА мухбирлари.**


**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт)*;
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача)*;
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт)*;
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача)*;
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача)*;
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача)*.

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
**1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
**2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

410Н/689

**«SITWET INVEST» ҚК**

**Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.**

**Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва омборда мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни сотишдир:**
- ***фермер ва деҳқонлар ишлатадиган 80 см. лик пиёз, карам ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар;***
- ***фермер ва деҳқонлар учун хўжаликлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат);***
- ***сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);***
- ***юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).***

*Маҳсулотлар сертификатланган.*
*Меҳнат ҳақи — келишилган ҳолда.*

**Телефонлар: 135-09-28, 142-50-34.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, «Лабзак» даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-«Б» уй.**

**ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР**

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**



ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4x4) "Тез ёрдам"

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

Маҳсулот сертификатланган

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш бош маркази директори Абдулла Аҳмедовга падари бузруквори **ЭШОНҚУЛ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.20 2 3 4 5 6